

**Исманов И.Н.,**

Фарғона политехника институти профессори,  
иқтисод фанлари доктори

# АКТИВЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АЙРИМ МУНОЗАРАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

---

## ***ИСМАНОВ И.Н. АКТИВЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АЙРИМ МУНОЗАРАЛИ ЖИҲАТЛАРИ***

Мақолада бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисоби объектлари бўлган активларнинг мазмунан ҳамда таркибан ўзгариши ва унинг натижасида уларни таснифланиш белгиларидаги ва ҳисобга олишдаги мунозарали жиҳатлар кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: эҳтиёж, капитал, актив.

---

## ***ИСМАНОВ И.Н. ПОНЯТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СОДЕРЖАНИЯ АКТИВОВ И НЕКОТОРЫЕ ДИСКУССИОННЫЕ АСПЕКТЫ ИХ УЧЕТА***

В статье рассматриваются некоторые дискуссионные аспекты учета и понятия экономического содержания активов, а также их классификация в условиях перехода к рыночной экономике.

Ключевые слова: потребность, капитал, активы.

---

## ***ISMANOV I.N. THE ECONOMIC CONCEPT OF ASSETS AND DISCUSSION OF SOME ASPECTS OF THOSE ACCOUNTING***

There is discussed in the article some aspects of assets accounting and economic concepts of content and those classification in the transition to the market economy.

Keywords: demand, capital, assets.

***Иқтисодчи олимлар ўртасида мунозарага сабаб бўлаётган масалалардан бири – капитални иқтисодий категория эмас, балки бухгалтерия ҳисоби категорияси сифатида эътироф этиш лозимлигидир.***

Кишиларнинг кундалик ҳаётида муайян тирикчилик воситаларини истеъмол қилиш эҳтиёжи мавжуддир. Бу ҳаёт фаолиятининг мунтазамлигини таъминловчи озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқаларга бўлган эҳтиёждир. Кишилар эҳтиёжини қондириш манбаи бўлган материаллар, хом ашё ва жиҳозларнинг ўзига ҳам эҳтиёж мавжуддир. Кишилар эҳтиёжини қондириш усули эса нафлилик деб аталади. Иқтисодий назария курсидан маълумки, барча нафлиликка эга бўлган нарсалар – неъматдир.

Эҳтиёж билан неъмат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қуйидаги ҳолат билан характерланади: эҳтиёжлар чексиз бўлган ҳолда неъматлар чеклангандир. Чекланган неъматлар иқтисодий неъматлар деб аталади.

Иқтисодий неъматлар орасида бошқа неъматларни ишлаб чиқарувчи неъматлар, яъни ресурслар алоҳида ўрин эгаллайди. Иқтисодий назарияда улар одатда ишлаб чиқариш омиллари, деб эътироф этилади.

Ишлаб чиқариш омиллари кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичлари учун умумий бўлган бўлса-да, уларга турли адабиётларда турлича таъриф берилиб, турлича тушунтирилади. Жумладан, сиёсий иқтисод дарсликларидан ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари тан олинади. Бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмлари (ер-сув, ер ости бойликлари каби табиий бойликлар) ишлаб чиқариш воситалари дейилади ва ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб эътироф этилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: ер, ишчи кучи, капитал ва тадбиркорлик қобилияти тан олинади<sup>1</sup>.

Ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлган капитал иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Мумтоз иқтисодчи Давид Рикардонинг фикрича: «Капитал бу мамлакат бойлигининг ишлаб чиқаришда иштирок этадиган қисми бўлиб, машина ва жиҳозлар ҳамда хом ашё материалларидан иборатдир»<sup>2</sup>.

Томас Мальтуснинг фикрича, «капитал – мамлакат заҳирасининг шундай қисмидирки, ундан моддий неъмат ишлаб чиқариш ва уни тақсимлаш мақсадида фойдаланилади»<sup>3</sup>.

Дж.Кларк, Л.Валрас ва И.Фишер «капитал – даромад, фойда ва фоиз келтирувчи қиймат», деб қарайдилар.

Аммо К.Макконнелл, С.Брю<sup>4</sup>, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар<sup>5</sup> капитални барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари кабилардан иборат, деб товар ва пулни бунга киритмайдилар.

<sup>1</sup> Экономика: учебник. / Под ред. Архипова А.И., Большакова А.К. – М.: «Прспект», 2005. –С. 151; Экономическая теория: учебник для студ. вузов. / Камаев В.Д. и др. – М.: «ВЛАДОС», 1999. –С. 154; Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002. –35-б.

<sup>2</sup> Пети В., Смит А., Рикардо Д. Антология экономической классики. – М.: «Экономика», 1993. –С. 117.

<sup>3</sup> Маршалл А. Принципы политической экономии. / Пер. с англ. – М.: «Прогресс», 1981. –С. 107.

<sup>4</sup> Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: 17-е изд. – М.: «ИНФРА-М», 2009. –С. 107.

<sup>5</sup> Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: «Дело-ЛТД», 1995. –С. 127.

**1-жадвал. Капиталнинг айланма ва асосий капитал сифатида фарқланиш белгилари<sup>1</sup>**

Айланма	Асосий
<b>Капитал қийматининг айланиш усулига кўра</b>	
Бир доиравий айланиш	Бир неча доиравий айланиш
<b>Капитал қийматининг ишлаб чиқаришдан олинган даромадга боғлиқлик хусусиятига кўра</b>	
Даромаднинг асосини ташкил этади	Даромаднинг бир қисмини ташкил этади
<b>Капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятларига кўра</b>	
Натурал буюм шаклини сақлаб қолмай, маҳсулот таркибига тўлиқ киради	Натурал буюм шаклини сақлаб қолиб, маҳсулот таркибига кирмайди
<b>Капитал қийматининг қайта тикланиш усулига кўра</b>	
Ашёвий буюм сифатида бир доиравий айланишдан сўнг қайта тикланади	Бир неча доиравий айланишдан сўнг амортизацияланиб, пул шаклидан асосий капитал шаклига айланади

Кўриниб турибдики, ушбу иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг ижтимоий моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама ёндашиб, ишлаб чиқариш омилларининг қиймати эътиборни қаратган. Мамлакатимиз олимларидан Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраевлар Ғарб олимларининг айримлари томонидан капитални бир томонлама, яъни унинг қиймат тарафини эътиборга олганликлари, бошқалари эса иқтисодий тушунчаларнинг тарихийлигини эътибордан четда қолдириб, унинг моддий объекти, нарса ва ҳодисаларнинг ашёвий томонини кўрсатганликлари ва шунинг учун капитал доимий, ўзгармас тушунча, деб эътироф этганликларини таъкидлаб, капитал мазмунини қуйидагича баён қилишган: «Биз бу икки хил тушунчани бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз»<sup>2</sup>.

Қўйилган капитал компаниянинг фаолиятини кенгайтириб, келгусида ривожланиш учун зарур фойда олиш имкониятини яратади. Фойда олиш учун йўналтирилган капитал ишлаб чиқариш ва муомала жараё-

нида доимо ҳаракатда бўлиб, бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади. Хўжалик юритувчи субъект ўз иштиёридаги пул капиталга ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат буюмларини сотиб олиши ва унга ишлов берувчи ишчи кучини ёллаши билан капитал ҳаракатининг биринчи босқичи бошланади. Бу босқичда пул шаклидаги маблағлар унумли капиталга айланади. Ишлаб чиқариш жараёни капитал ҳаракатининг иккинчи босқичини ташкил қилиб, унда унумли капитал товар шаклини олади. Бу ерда вужудга келган товар қиймати ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига сарфланган қийматдан кўп бўлади. Капитал ҳаракатининг учинчи босқичи ишлаб чиқарилган товарларни сотишни ўз ичига олади. Бунда товарлар пулга айланиб, дастлаб пул шаклида сарф қилинган маблағ яна пул шаклида, аммо орттирилган қиймат ҳисобига кўпроқ миқдорда қайтади. Капиталнинг бундай босқичлардан ўтиши, унинг доиравий айланишини ташкил этади.

Капитал доиравий айланишининг мазмунига кўра икки қисмга: асосий ва айланма капиталга бўлинади. Асосий капитал қиймати бир неча доиравий айланишдан сўнг ўзининг бошланғич қийматини тикласа, айланма капитал бир доиравий айланишдан сўнг ўзининг бошланғич шаклига қайтади.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002. -37-б.

Капиталнинг асосий ва айланма капитал сифатида фарқланиши 1-жадвалда келтирилган белгилар асосида амалга ошади.

Капитал қийматининг айланиш усулига кўра, асосий капитал қиймати икки қисмга ажратилган бўлиб, маҳсулотга ўтган қисми товарлар ва хизматлар (ишлар) билан бирга муомалада бўлади ва доиравий айланиш жараёнида товар шаклидан пул шаклига ўтади ва жамғарилган амортизация суммаси кўринишида тўпланади. Капиталнинг маҳсулотга ўтмаган қисми ишлаб чиқариш доирасида мавжуд моддий ва номоддий капиталда гавдаланганича қолаверади. Айланма капиталнинг айланиши эса бир доиравий айланиш даврига тўғри келганлиги учун меҳнат предметлари қиймати тўлатқис айланиб, янги маҳсулот қиймати таркибига кирилади.

Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йиллар мобайнида иштирок этиши муносабати билан уларнинг қиймати яратилган товарларга аста-секин қисмлаб ўтказилиб борилади. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида даромад олишга сабабчи бўлган асосий капитал бир ҳисобот даврига тўғри келадиган харажатлар сифатида аста-секинлик билан узоқ йиллар давомида маҳсулот (товар) қийматига ўтказиб борилади. Айланма капитал эса ушбу ҳисобот даврига тегишли бўлган даромаднинг асосини ташкил қилган бўлиб, ўз қийматини маҳсулот қийматига тўлиғича ўтказилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятига кўра асосий капитал буюм жиҳатдан маҳсулот таркибига кирмайди, балки узоқ давр мобайнида ўзининг натурал-буюм шаклини сақлаб қолади. Айланма капитал эса ўзининг натурал-буюм шаклини тўлиғича маҳсулот таркибига ўтказилади.

Қийматни қайта тиклаш усулига кўра асосий капиталнинг ишлаб чиқаришдан олинган даромадга ўтказилган қиймати бир неча доиравий айланишлар давоми-

да қатнашади ва амортизацияланади, пул шаклидан янги асосий капитал шаклига айланади. Айланма капитал эса ҳар бир доиравий айланишдан сўнг ашёвий буюм сифатида қайта тикланади.

Ҳозирги кунда иқтисодчи олимлар ўртасида мунозарага сабаб бўлаётган масалалардан бири – капитални иқтисодий категория эмас, балки бухгалтерия ҳисоби категорияси сифатида эътироф этиш лозимлигидир. Бизнингча, бундай мунозарага ўрин бермаслик лозим. Чунки капитал, авваламбор, иқтисодий категория сифатида барча иқтисодий фанларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ҳам иқтисодий фан сифатида иқтисодий тушунча ва қонуниятларни ўз мақсади ва вазифалари доирасида тадқиқ этади. Капитал тушунчаси бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан ҳам ўрганилиши табиийдир.

Бухгалтерия ҳисоби дарслигида капитални таъсисчилар томонидан қўйилган улушлар мажмуаси ва корхона томонидан жамғарилган фойда деб қаралган<sup>1</sup>.

Америкалик олимларнинг фикрича, капитал – мулкдорнинг ихтиёридаги моддий ва номоддий шаклдаги маблағлар ва пул маблағлари каби иқтисодий ресурслардир<sup>2</sup>. Ушбу мулоҳазалар капиталнинг иқтисодий категория эканлигини тўлиқ ёрита олмайди. Балки бу таърифлар капитал моҳиятини бухгалтерия ҳисоби категорияси сифатида очиб беради, холос.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт назариясида капитал тушунчасига берилган таърифлар кўпроқ назарий, умумлашган ҳолда бўлиб, унинг ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятини акс эттиради. Бухгалтерия ҳисобидаги таърифларда эса унинг аниқ намоён бўлиш шакллари, буюмлашганлигига кўпроқ урғу берилади. Бундай ёндашиш ҳеч ҳам иқтисодиёт назариясига зид эмас. Бухгалте-

<sup>1</sup> Бухгалтерский учет. / Под ред. Безруких П.С. – М.: «Бухгалтерский учет», 2002. –С. 527.

<sup>2</sup> Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэл Д. Принципы бухгалтерского учета. / Под ред. Я.В.Соколова. – М.: «Финансы и статистика», 1994. –С. 24.

рия ҳисобида қийматнинг қаерда кўпайиши ва қандай кўпайиш жараёни, унинг манбалари аниқ бандларда кўриниб туради. Демак, бухгалтерия ҳисобида капиталга иқтисодиёт назариясида берилган таъриф янада пухта тизимлашган шаклда ойдинлашади.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан асосий капитал аввало иқтисодий категория бўлиб, тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасида иштирок этаётган ва келгусида иқтисодий наф келтирадиган активлардир. Асосий ва айланма капиталга ажратиш мезони негизида уларнинг маълум бир қийматга боғлиқлиги эмас, балки иқтисодий наф келтира олиши ётиши керак.

Хўжалик юритишнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, асосан ишлаб чиқариш воситаларигина асосий капитал сифатида гавдаланганлигини ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинадиган даромадлар сабабчиси эканлигини кўришимиз мумкин. Жамиятнинг ривожланиш босқичида иқтисодий-ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги ишлаб чиқариш омилларидан бўлган капиталнинг таркибий қисми бўлган асосий капитал қаторида номоддий активлар, молиявий қўйилмалар каби активлар вужудга кела бошлади. Ушбу активларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги иштироки ва даромад олишдаги улушлари асосий капиталга айнан ўхшамаса-да, лекин корхона фаолиятида бир доиравий айланишдан кўра кўпроқ муддатда иштирок этишлари ва даромад олишга сабабчи бўлишлари асосий капиталга нисбатан ўхшашликни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам асосий капиталдан фарқланувчи активларнинг вужудга келиши эндиликда бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар сифатида тан олинган ва аксарият корхоналарнинг бухгалтерия балансида фақатгина

асосий воситаларнинг акс эттирилишига барҳам берилди. Асосий воситалар билан бир қаторда номоддий активлар, молиявий ва капитал қўйилмалар, кечиктирилган харажатлар ва дебиторлик қарзларини ҳам акс эттириш зарурияти келиб чиқди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иштирок этадиган ресурслар бухгалтерия ҳисоби амалиётида активлар деб эътироф этилиб, улар шартли равишда узоқ муддатли (асосий капитал) ва жорий активлар (айланма капитал) каби гуруҳларга ажратилади. Бундай гуруҳларга ажратишнинг асосини «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун» ташкил қилади. Ушбу қонун капитал ҳисобининг ҳуқуқий концепциясидир.

Активларнинг узоқ муддатли ва жорий активлар гуруҳларига ажратилиши, уларнинг бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар билан бевосита боғлиқлиги капитал ҳисобининг иқтисодий концепциясини ташкил этади.

Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги концепциясини ишлаб чиқишда, авваламбор, уларнинг иқтисодий моҳияти асос қилиб олиниши лозим.

Узоқ муддатли активларни тан олиш ва ҳисобда акс эттириш кенг маънодаги активларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш муаммолари билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби амалиётида активлар корхонага тегишли хўжалик маблағлари деб тан олинган ва эътироф этилган. Аммо бу эътироф асосан асосий капиталга тааллуқли бўлган. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитидаги даврда узоқ муддатли активлар таркибига кирадиган бухгалтерия ҳисобининг бошқа объектлари ҳам пайдо бўлганки, уларнинг иқтисодий моҳияти албатта асосий капиталнинг моҳиятидан фарқланади. Жумладан, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар, узоқ муддатли дебитор қарз ва муддати узайтирилган харажатлар ҳам



**2-жадвал. Узоқ муддатли активларнинг таснифланиши ва тавсифланиши<sup>1</sup>**

Таснифи	Тавсифи	Таркиби
Моддий активлар	Корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ вақт мобайнида иштирок этадиган, келгусида иқтисодий наф келтира оладиган моддий маблағлар	- асосий воситалар; - узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар; - капитал қўйилмалар; - ўрнатиладиган жиҳозлар;
Номоддий активлар	Корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ вақт мобайнида иштирок этадиган, келгусида иқтисодий наф келтира оладиган, идентификацияланувчи, моддий буюмлашган шаклга эга бўлмаган активлар	- патент; - савдо маркаси; - товар белгиси; - дастурий таъминот; - ердан фойдаланиш ҳуқуқи; - ташкилий харажатлар; - франчайз; - муаллифлик ҳуқуқи; - гудвилл
Молиявий активлар	Келгусида фоиз (дивиденд), улуш кўринишида даромад олиш мақсадида бошқа корхоналар фаолиятига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган маблағлар	- қимматбаҳо қоғозлар; - авлод корхоналарга инвестициялар; - қарам хўжаликларга инвестициялар; - хорижий капиталли корхоналарга инвестициялар
Муддати узайтирилган дебитор қарзлар ва кечиктирилган харажатлар	Бир йилдан узоқ муддатга узайтирилган дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатлар	- олинадиган векселлар; - узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар; - ходимларнинг қарзлари бўйича тўловлар; - вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад солиғи; - кечиктирилган қарзлар бўйича дисконтлар

корхона фаолиятида узоқ муддат иштирок этади. Шулардан номоддий активлар бево-сита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмаса ҳам, билвосита даромад олишга са-бабчи бўлиб муайян иқтисодий наф келти-ради. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ва инвестицион мулк сифатида эътироф этилаётган активлар эса келгусида даро-мад олиш мақсадида капитални инвести-ция қилишнинг яна бир йўналиши бўлиб ҳисобланади. Ушбу жиҳатлар узоқ муддат-ли активларни таснифлаш ва тавсифлаш асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамла-катимиз иқтисодчи олимлари томонидан узоқ муддатли активларнинг таснифланиши етарлича ўрганилмаган.

Фикрларни умумлаштириб шу нарса-ни айтиш мумкинки, узоқ муддатли актив-

ларни ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотлар асосида хўжалик юритув-чи субъектнинг молиявий аҳволини таҳлил қилишда молиявий ҳисоботдан фойдала-нувчиларга бошқарув учун зарур бўлган қарорларни қабул қилиш мақсадида улар-ни қуйидаги тартибда таснифлаш ва тав-сифлаш мумкин (2-жадвал).

Бизнинг фикримизча, юқорида баён қилинган фикрлар, бир томондан, узоқ муддатли активлар таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаб-ларига уйғунлаштиришга кўмаклашса, ик-кинчи томондан, корхона фаолиятини таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимини тартибга солишни осонлаштиради.

Узоқ муддатли активлар тўғрисидаги маълумотларни ихчам ва етарли даражада олиш имкониятини туғдириш ҳамда таҳлил қилишни осонлаштириш учун бухгалте-рия ҳисоби баланснинг «Узоқ муддатли активлар» номли 1-бўлимини қуйидагича

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

**3-жадвал. «А.Акбарали» хусусий корхонасининг узоқ муддатли активларини бухгалтерия балансида ифодалаш<sup>1</sup> (2014 йил 1 январь ҳолатига, минг сўмда)**

Баланс моддаларининг номи	Давр бошига	Давр охирига
I бўлим. Узоқ муддатли активлар		
1.1. Моддий активлар (0100+0300+0700+0800-0200)	4653171	4218654
1.2. Номоддий активлар (0400+0830-0500)	-	-
1.3. Молиявий активлар (0600)	263109	263109
1.4. Узоқ муддатли дебитор қарзлар ва муддати кечиктирилган харажатлар (0900)	-	
I бўлим бўйича жами	4916280	4481763

кўринишда ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади (3-жадвал).

Узоқ муддатли активлар корхона фаолиятида иштирок этадиган муҳим иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида мазкур иқтисодий категория етарлича чуқур ўрганилмаган. Шунинг учун унинг тоифаларини аниқловчи асосий тавсифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур.

Кўпчилик иқтисодчилар узоқ муддатли активларни ишлатиш муддати 1 йилдан

ортиқ бўлган активлар сифатида таснифлайдилар: узоқ муддатли капитал қўйилмалар, номоддий активлар, асосий воситалар, бошқа узоқ муддатли активлар. Бундай тарзда таснифлаш бухгалтерия ҳисоби қоидаларига асосланади.

Активларни тўғри таснифлаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш имконияти кенгайди.

### Адабиётлар:

1. Архипова А.И., Большакова А.К. Экономика: учебник. – М.: «Проспект», 2005.
2. Бухгалтерский учет. / Под ред. Безруких П.С. – М.: «Бухгалтерский учет», 2002.
3. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: 17-е изд. – М.: «ИНФРА-М», 2009.
4. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэл Д. Принципы бухгалтерского учета. / Под ред. Я.В.Соколова. – М.: «Финансы и статистика», 1994.
5. Пети В., Смит А, Рикардо Д. Антология экономической классики. – М.: «Экономика», 1993.
6. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: «Дело-ЛТД», 1995.
7. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
8. Экономическая теория: учебник для студ. вузов. / Камаев В.Д. и др. – М.: «ВЛАДОС», 1999.

<sup>1</sup> «А.Акбарали» хусусий корхонаси ҳисоботида асосан муаллиф томонидан тузилган.